



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**БУЙРУҚ**

2019 йил “4” *Апрел*

№ *01-267*

Тошкент ш.

2019 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўтказиладиган талабаларнинг илмий-амалий анжуманлари тўғрисида

*267*

Тошкент давлат шарқшунослик институтида иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш, уларни етук малакали мутахассис сифатида ижодий камол топишлари учун илмий-ижодий ишларга йўналтириш, илмий-ижодий ишларни бажариш жараёнида мустақил фикрлаш, янги фикр ва мулоҳазаларни билдириш ҳамда ўз илмий изланишлари билан келажакда фан тараққиётига истиқболли янгиликлар киритишларини тадбиқ этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2019 йил давомида Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўтказиладиган талабалар илмий-амалий анжуманлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев, Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи Ш.Аҳмедова; факультетлар деканлари (Қ.Омонов, С.Хошимова, Ш.Усмонова, Ч.Хусанов, З.Қодиров)га:

2.1. Тошкент давлат шарқшунослик институтида 2019 йилда ўтказиладиган талабалар анжуманига соҳанинг нуфузли мутахассислари, олимлари-эксперт сифатида жалб этилсин.

2.2. Талабаларнинг илмий амалий конференциясини самарали ташкил этишга факультет деканлари ва тегишли кафедра мудирларининг шахсан масъул эканлиги таъкидлансин

2.3. Режага кўра 2019 йилда ўтказиладиган талабалар илмий-амалий анжуманларда институтбакалаврият ва магистратура йўналишида таҳсил олувчи талабаларнинг фаол иштирок этиши таъминлансин.

2.4. 2019 йилда ўтказиладиган талабаларнинг илмий-амалий конференциялар режаси ва улар ўтказилганидан кейин тегишли ҳисоботлар институтнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин (масъул: бўлим бошлиғи Ш.Аҳмедова, АТМ раҳбари Қ.Наримонов).

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Ректор

А.Маннонов